- **Ўзбекистон Республикаси Ҳалқ таълими вазирлиги Ўзбекистон футбол ассоциацияси ҳамкорлигида умумтаълим мактаб ўқувчилари орасида “Мактабда футбол” дастурини амалга ошириш бўйича маълумотнома.**



2023 йилнинг **15 январдан бошлаб 25 майга** республика миқиёсидаги хар бир танланган мактаб, футзал бўйичи ички лига ўйинларини (низоми тақдим қилинади) ўтакзади ва туман босқичига мактаб терма жамоасини шакллантириб беради. Мактаб ички мусобақасини 1-7 синфлар кесимида ўтказиш керак. “Мактабда Футбол” мусобақаси хақидаги маълумотлар, хисоботлар худудий ассоциацияларнинг болалар бўлими мутахассисларига етказиб берилади. Ушбу мутахассислар жисмоний тарбия фани ўқитувчиларин рўйхатини шакллантиради ва лойиқ топган ўқитувчини сертификат (level 1) га ўқитишга тавсия беради. Юртимизда жами **10.800 та** умумий ўрта таълим мактаблари мавжуд. Хозирги бошланадиган “Мактабда Футбол” мусобақаси йилдан йилга ўз мевасини беришни бошлайди. Сабаби хар йили биз биттадан синф қўшиб борамиз. Натижада мактабда ўтказилаётган синфга синф ўйинлар сони ортиб боради. Мактабда соғлом турмуш тарзи, соғлом рақобат шаклланади. Мактабда футбол тўгараги ишлайди. Иқтидорли болаларни футбол тўгараги орқали тоблаб боради. Футбол тўгараги учун ишлаб чиқилган дастур илова қилинади. Келажакда Спорт мактаблари, ихтисослашган спорт мактаблари, Республика олимпия захиралари коллежлари хамда футбол академиялари иқтидорли болалар билан таъминланади. Умумтаълим мактаблари техник ва тактик болалар етиштиришда асосий вазифани бажаради.

2023 ЙИЛДАН 512 ТА УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА СЕНТЯБРДАН МАЙ ГАЧА МУНТАЗАМ ЎТКАЗИЛАДИГАН МУСОБАҚА ТАШКИЛЛАШТИРАМИЗ ХАМДА ФУТБОЛ ФЕСТИВАЛЛАРИ ЎТКАЗАМИЗ.

2024 ЙИЛДАН МАЗКУР “**МАКТАБДА ФУТБОЛ”** МУСОБАҚАСИНИ 1500 ТА МАКТАБЛАРДА ЎТКАЗИЛИШИГА ЭРИШАМИЗ.

2025 ЙИЛДАН 2200 ТА МАКТАБГА
2026 ЙИЛДА 3500 ТА МАКТАБГА
2027 ЙИЛДА 4600 ТА МАКТАБГА
2028 ЙИЛДА 5500 ТА МАКТАБГА
2029 ЙИЛДА 6000 ТА ДАН ОШИРИШ ВА 2030 ЙИЛГА КЕЛИБ ЮРТИМИЗНИНГ БАРЧА МАКТАБЛАРИДА МИНИ-ФУТБОЛ ЎЙНАТИШНИ РЕЖА ҚИЛИБ ОЛДИК.



ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛ АССОЦИАЦИЯСИ ЎРТАСИДА МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ. ФУТБОЛ МУСОБАҚАСИНИ ЎТКАЗИШ УЧУН НИЗОМ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ. МИНИ-ФУТБОЛ ТЎГАРАГИ ЎТИШ УЧУН ДАСТУР ТУЗИЛДИ. МАКТАБЛАРДАГИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА МУРАББИЙЛАРНИ ЎҚИТИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ.



UZBEKISTAN FOOTBALL UFA ASSOCIATION

XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI UZEDU

Бугунги кунда юртимизда 35 280 820 нафар ахоли қайд этилган, шулардан 18 ёшгача бўлган ахоли сони 11 822 762 нафарни ташкил этади (Маълумотлар 2022 йил сентябр холатига кўра). Умумтаълим мактабларида қайд этилган ахоли қатлами эса 6 119 440 нафар эканлигини инобатга олсак, умумтаълим мактабларида футбол фестиваллари хамда тўгараги ва мини-футбол, футзал мусобақасини ўтказиш керак.



# МАКТАБДА ФУТБОЛ РЕЖАСИ




Хар хафта ЖУМА куни футбол куни мақомини берамиз. Ўқувчилар дарсдан ташқари пайтда синфга синф футзал ўйнашади. Кичкина майдонда рақибларига тўпни бермасдан, қисқа қисқа кросслар эвазига, аниқ зарбалар орқали, одам камлигини (5х5) инобатга олиб, ўйлайди, аниқ бажаради, 2та таркиб югуради, болалар бир бирлари билан келишиб ўйнашади, ўз ўзидан мактаб болларида тактика ва техника ўсади. (Мактабларда ФУТЗАЛ ўргатиш йўриқномаси илова қилинади)

Мактабда 10та-15та жамоа шаклланади ва бу жамоалар бир бирни ютиш мақсадида бахслашишади. 6А синф спорт сардори Бердиқулов Усмон 10-15 та синфдошларидан иборат рўйхат тузади. Жамоаси номини юқорида кўрсатади, Синф рахбари яъни ўқитувчиси тасдиқлаб имзолаб беради. Жисмоний тарбия фани ўқитувчиси синф сардорларидан рўйхатларни жамлаб олади. Ўйинлар натижалари, тўпурарларни, жадвални, ким ким билан ўйнашини назорат қилади. Жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Ички лига назоратчиси бўлади. Энг сара ва яхши ўқувчилардан иборат гурух тузади ва футбол тўгарагини шакллантиради.

ЎФА томонидан ж/т ўқитувчиларини футзал бўйича малакасини ошириш ишлари йўлга қўйилади.

Мини футбол бўйича мактаблар футбол ғояси 4-5 йилда ўз мевасини беради

# СПОРТ СОҒЛИК ГАРОВИ

- Мини футбол бўйича мактаблар лигасини ташкил этишдан олдин тажриба тариқасида бирорта туманда иш бошлаб кўриш, шу иш жараёнида келиб чиқган камчиликларни бартараф этиб, хатосиз юқори савияда республика миқиёсига олиб чиқиш керак
- Ана ўшанда биз футбол мутасаддилари ўсиб келаётган ўсмирларни футболга тўғри йўналтирган бўламиз.
- Ўсмир бола мини-футбол ўйнасин, мактабда футбол тўгарак ишласин, мини футбол бўйича туман, шахар босқичларида ғалаба қозонсин мактабни битириб хохлаган жамоасига борсин, олийгохга ўқишга кирсин, фақат соғлом турмуш тарзи билан.

| Фарқлаш учун мисоллар | Майдон ўлчами | Футболчи сони | Замена | 1 Тайм минут | Дарвоза | Тўп | Хакам | АУТ | Жарима |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **ФУТБОЛ** | 90х50, 110х65 | 11х11 | 3та-5та | 25м-45м | 7.32х2.44 | 5 ўлч | 3-5 | Қўлда | 1хил |
| **ФУТЗАЛ** | 15х25, 25х42 | 5х5 | Чеклов йўқ | 10м-20м | 2х3 | 4 ўлч | 1-2 | Оёқда | 3-4хил |